



ТҲРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1995 йил 1 апрель. Чоршанба. № 26 (14278)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

САМАРАЛИ ТАШРИФ

КИШИНЕВ, 30 март. (УЗА махсус мухбири Уктам Мирзаев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур тақлифига биноан бу ерга давлат ташрифи билан келди. Икки давлат байроқлари билан безатилган Кишинев аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти-ни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Молдова Президенти Мирча Снегур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни самолёт пиллапоплари ёнида ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Таомилга кура, азиз меҳмонга нон-туз тутилди, анвойи гуллар тақдим этилди.

Юсак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Молдова Давлат махфиялари янгради. Президент Ис

лом Каримов Президент Мирча Снегур ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафлари ёнидан ўтди. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишди-лар.

Шу кун Молдова Президенти қароргоҳида икки давлат раҳбарлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида тор доирада музокара-лар утказди.

Бир пайтнинг ўзига давлат таъназлари саройида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари-га бағишланган ҳукуматла-раро битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тор доирадаги суҳбат-дан сўнг Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Рес-публикаси Президенти М. Снегур кенгайтирилган таркибда музокара-лар у-казиш учун давлат таъна-злари саройига келишди.

Музокара-лар нҳоясида ик-ки давлат бошлиқлари то-монидан ўзаро ҳамкорликка оид бошқа қушма ҳужжат-лар ҳам имзоланди.

Маросим якунида Прези-дентлар журналистлар би-лан учрашиб, утказилган му-зокара-лар якуни хусусида сузлаб бердилар. Оммавий ахборот воситалари вакил-ларини қизиқтирган савол-ларга жавоб қайтардилар.

Президент Ислам Кари-мов ва Президент Мирча Снегур шу кун Молдова-нинг халқ ҳужалиги тармоқ-лари, йирик саноат корхо-налари раҳбарлари ҳамда тadbirkorлари билан уч-рашди.

Оқшом Молдова Респу-бликаси Президенти Ўзе-бекистон раҳбари шарафига зивфат берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Кари-мовнинг Молдова Респу-бликасига давлат ташрифи да-вом этмокда.

(УЗА).

ТАШРИФ НИХОЯСИГА ЕТДИ

КИШИНЕВ, 31 март. (УЗА махсус мухбири Уктам Мирзаев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Молдова Респу-бликасига ташрифининг иккинчи куни мам-лакат парламентида ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбари бу ерда Молдова парламенти раиси П. Лучинский ва парламент кўмиталари раҳбарлари би-лан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатлар-нинг мустаҳкамланишида икки мамла-кат парламентарлари алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислам Каримов ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дустликнинг, иқтисодий, сиёсий, мада-ний ҳамда илмий соҳалардаги ҳамкор-ликнинг ҳуқуқий асослари яратилган-дан мамнуният изҳор этди. Эришилган аҳдномалар Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни янги бос-қичга кўтаришни қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Мол-дова Республикасида давлат ташрифи нҳоясига етди.

Ташриф нҳоясида Ўзбекистон раҳ-бари ва унга ҳамроҳлик қилаётган де-легацияни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

(УЗА).

ПРЕЗИДЕНТГА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қудратилла Аҳмедовни қабул қилди.

Қ. Аҳмедов мамлака-тимиз раҳбарига респуб-лика Олий Мажлиси-нинг 1995 йил 24 фев-ралдаги қарори асоси-да 26 мартда ўтказилган умумхалқ Референдуми якунига биноан Прези-дент Ислам Каримов-нинг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғриси-даги гувоҳномани топ-ширди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзе-бекистон халқининг меҳ-нати, осойишталиги,

аҳиллиги ва меҳр-муҳаб-батининг мужассамидир, — деди юртбошимиз. — Ана шу сиёсий тadbirkor амалга ошираётган иш-

ларимизни, ижтимоий-иқ-тисодий сиёсатимизни халқ қандай баҳолаётга-нини назардан ўтказиш имконини берди. Зотан,



(УЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

Шу йил 29 мартда Ўзе-бекистон Республикаси Ре-ферендумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Маж-лиси комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат-лари муддатини узайти-риш масаласи юзасидан шу йил 26 мартда ўтказил-ган умумхалқ Референду-

ми натижалари қуриб чиқил-ди. Республика бўйича овоз бериш уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикаси-нинг Референдум тўғри-сидаги қонун талабларига мувофиқ, фуқароларнинг юсак фаоллигида ўтганли-ги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғри-сида 14 округ комиссияси

тақдим этган баёнларни қу-риб чиқиб, овоз бериш ре-публика ҳудудида ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мам-лакатимизнинг чет давлат-лардаги ваколатхоналари қошида ташкил этилган 25 участкада Референдум тўғри-сидаги қонунга тула му-вофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этди.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11319447 нафар фу-

қародан 11245028 нафари ёки 99,3 фоизи Референ-думда қатнашди. «Сиз Ўз-бекистон Республикаси Президенти-нинг ваколатла-ри муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтири-шига розимисиз?» деган саволга 11199415 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб бер-ди, шу жумладан:

Т. р.	Округлар номи	Овоз бериш учун рўйхатга киритилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	%	Эълоб овоз берган фуқаролар сони	%	Қарши овоз берган фуқаролар сони	%	Ҳақиқий эълоб овоз берган фуқаролар сони
1.	Тошкент шаҳри	1209656	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
2.	Андижон	1018187	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
3.	Бухоро	653555	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
4.	Жиззах	398271	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
5.	Навоний	377226	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	—
6.	Маманган	865985	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
7.	Самарқанд	1180810	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
8.	Сирдарё	302049	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
9.	Сурхондарё	718133	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
10.	Тошкент вилояти	1151008	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
11.	Фарғона	1277540	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
12.	Хоразм	605737	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
13.	Қашқадарё	888081	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
14.	Қорақалпоғистон	673209	672693	99,9	667950	99,3	4366	0,6	377
	ЖАМИ:	11319447	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

Шундай қилиб, мамла-кат фуқароларининг мут-лақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ва-колатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўзе-

бекистон Республикаси Пре-зиденти раҳбарлигида та-раққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса хо-кимиятнинг ҳамма тармоқ-лари бундан буюн ҳам сама-рали ҳамкорлик қилиши,

мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгиланган ислохотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўйбга чиқариш учун шaroит яратди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи

Марказий комиссия қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Кари-мовнинг ваколатлари муда-дати умумхалқ овоз бери-ши натижасида 1997 йил-дан 2000 йилгача узайти-рилган деб ҳисобланди.

МИРЗАЧЎЛ «САРАТОН»И

Гулистонда «Лаззат» алкоғолсиз ичимликлар заводининг биринчи нав-бати ишга тушди. Ўзе-бекистон озиқ-овқат саноа-ти концернига қарашли «Лаззат» фирмаси билан вилоят ҳокимлиги ўртаси-да тузилган шартномага асосан мазкур корхона 8 ойда қуриб битказилди. Усуналар асосан чет эл-лардан келтирилган. Кор-хонанинг фойдаланишга топширилган 2 та линия-сида соатига 24 минг ши-ша «Саратон», «Тархун», «Аранж» каби яхна ичим-ликлар ишлаб чиқарила-ди. Завод бир йилда 80 миллион шиша ичимлик ишлаб чиқариш қуввати-га эга.

Корхонанинг тантанали очилиш маросимида рес-публика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Жўрабеков, вилоят ҳоки-ми Ф. Ҳасанов иштирок этди.

(УЗА).

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан АНДИЖОНДАН ЎШГА

Газетамизнинг ўтган сонла-рида хабар қилганимиздек, 1991 йилда «Туркстон» (со-биқ «Еш ленинчи») тахрири-ти қошида ташкил этилган, айни кунларда Ўзбекистон Ел-лар Иттифоқи Марказий Ку-рмаси ҳузурида фаолият ку-рсатаятган «Амир Темур утган йуллар бўлиб» халқаро ил-мий экспедицияси узининг учинчи босқич сафарини да-вом эттирмакда.

Ўтган кун экспедиция аъзолари Фарғона вилоятининг Ёзевон тумани орқали Андижон вилоятининг Бўз ту-манига ташриф буюрдилар. Бу ерда экспедиция аъзоларини бузликлар байрамона қайфият-да қутиб олдилар. Андижон шаҳридаги ўрашувлар бундан ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ша-ҳар ҳокимиятидаги қисқа му-лоқотдан сўнг, экспедиция аъзолари Богиниамолдаги Бо-бур боғи ва Бобур уй музейи-ни зиёрат қилдилар. У ердаги Темурийлар тарихига оид қим-матбаҳо манбалар билан та-нишдилар.

Кун кеча эрталаб экспеди-ция Андижон вилоятининг Ху-жабод тумани орқали Қирғи-зистоннинг Ўш вилоятига йул олди.

(Ўз мухбиримиз).

СОҲИБҚИРОН ТҲЙИГА ҲОЗИРЛИК

Мустақил Ўзбекистон бўйлаб улут бобомиз Амир Те-мур таваллудининг 660 йилли-гига қизғин ҳозирлик қури-мокда. Соҳибқирон тутилган юрт — Қашқадарёда мазкур санага бағишланган амалий кон-ференция бўлди. Уни вилоят ҳокимлиги, Амир Темур жа-мғармаси ҳамда «Мавнавият ва маърифат» жамоатчилиги мар-кази ҳамкорлигида ташкил эт-ди.

Анжуманда Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкама-сининг «Амир Темур таваллу-дининг 660 йиллигини нишон-лаш тўғрисида»ги қарори асо-сида вилоятда амалга ошири-лаётган ишлар ҳусусида суз бор-ди. Амир Темурнинг буюк сар-карда ва давлат арбоби сифати-да жаҳонда, Марказий Осиёе халқлари тарихида тутган ўр-ни ва бошқа мавзуларда маъру-залар тингланди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.

АЖИНЕЗ ЮБИЛЕЙИ

Оролбуйида қорақалпоқ мухтоз алабидининг йирик на-мойяси Ажинез Қусибой ў-лигининг 170 йиллик юбилеи Наврўз тантаналарига улашиб кетди. Нукусда байрам икки кун давом этди. Юбилей тантанала-рида қатнашлиш учун Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, қушни Туркманистоннинг Тошқовуз вилоятидан меҳмонлар келди.

30 март куни эрталаб шоир номи билан аталувчи Нукус дав-лат педагогика институтига Ажи-незга урнатилган бюст очил-ди. Қардошлиқ, севи-муҳаббат қуёси бўлган суз устасининг қайноқ шеърли сатрлари янгра-ди. Қорақалпоғистон улқашу-нослик музейида эса махсус кур-гизма ташкил этилиб, бу ерда шоир тўғрисидаги ранг-баранг экспонатлар урин олди.

Тантаналарнинг иккинчи ку-ни Нукусдаги Ўлутбег ва Бер-дах хайкаллари пойига гулчам-барлар қуйиш билан бошлан-

ди. Шундан кейин Қорақалпо-ғистоннинг энг хушманзара жойларидан бирида бўлиб ўти-лаётган Ажинез хиебонига ни-ҳоллар ўтказилди.

Нукусдаги санъат саройида Ажинез Қусибой ўлигининг 170 йиллигига бағишланган тантана-ли мажлис бўлиб ўтди. Уни Қорақал-поғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Б. Жума-ниёзов очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг урин-босари, Қорақалпоғистон Респу-бликаси Жўқорий Кенгеси Раиси У. Аширбеков Ажинез Қусибой ўлигининг ҳаёти ва ижоди тўғри-сида маъруза қилди.

Мажлис иштирокчиларига Қо-рақалпоғистон санъат усталари ижросида катта концерт қуйиб берилди.

Тантанали мажлисда Ўзебеки-стон Бош вазирининг уринбоса-ри С. Саидқосимов қатнашди.

(УЗА).

ТОШКЕНТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАП БЎЛАДИ

30 март куни мамла-катимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг бори-шини мувофиқлаштирув-чи ва назорат қилувчи республика комиссияси-нинг навбатдаги мажли-си бўлиб ўтди. Унда Тош-кент шаҳар ҳокимининг уринбосарлари ва туман ҳокимлари, алоқадор ва-зирлик ва идоралар, бошқарма ва корпора-циялар, концерн ва уюш-малар, ташкилотлар, ил-мий-тадқиқот ва лойи-ҳалаш институтларини-нг раҳбарлари, мутахас-сислар иштирок этди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош ва-зирининг биринчи урин-босари, комиссия раи-

си И. Жўрабеков бошқар-ди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳарининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақидаги ма-сала муҳокама этилди. Ушбу масала хусусида те-гишли ташкилотлар раҳ-барларининг ахборотлари тингланди.

Қисқа вақт мобайнида пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш бўйича муҳим вазибалар муваффақият-ли бажарилгани, хусусан, Сағбон, Қорасарой, Фо-робий, Чимбой каби куча-ларда амалга оширилган кўп ишлар диққатга сазо-вор экани мажлисда

таъкидлаб ўтилди. Шу би-лан бирга, бузилиши ло-зим бўлган уйларида яшов-чи борча аҳолини янги уй-жойларга ўз вақтида қу-чиб ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди, айрим камчилик ва муам-моларга, уларни ҳал қи-лиш йўллари эътибор қа-ратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида Ўзе-бекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами му-носабати билан барпо эти-лаётган ишоотларда ба-жарилаётган ишларнинг бориши қуриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг уринбо-сари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тула-нов қатнашди.

(УЗА).

ФАХРИЙЛАР УЧРАШУВИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси лан табриклади. Сузга чиққан журналист—Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғар-ма, Журналистлар уюшмаси ҳамда меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ҳамкорлигида фашизм устидан қозонилган Галабининг 50 йиллигига бағишланган уруш ва меҳнат фахрийларининг учра-шуви ўтказилди. Матбуот жамғармаси бошқаруви раиси З. Есенбоев йиғилган-ларни яқинлашиб келаётган байрам би-

лаш табриклади. Сузга чиққан журналист—фахрийлар ўзларига қўрсатилаётган эъти-бор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик бил-дирдилар.

Бир пиёла чой устида ўтган йиғинда фахрийларга меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси совғалари топширилди.

Учрашувда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(УЗА).



ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ АСР БОШИДА

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулккий мунасабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

Ҳисобни билган адашмайди.

Ҳа, биз иккита ҳусу-сийлашган ёки ҳиссадорлик жамиятига айланган корхоналар ҳусусида ҳикоя қилмоқчимиз. Чунки, баъзилар бор, тадбиркор бўлиш ни хоҳлайди, аммо юрак курғур дов бермайди, айримларга эса маблаг етишмайди, қарз олишга қўрқади. Хўш, нима қилиш керак? Мана ерлар ҳам, бинолар ҳам, корхоналар ҳам, бурдоқчилик фермалари ҳам ҳусусийлашиб бора-ляпти. Хўш бунинг фойдаси ёки зарари қандай бў-ляпти? Манфаатдорлик ош-дими? У-з-узини маблаг билан таъминлаш нима дегани? Қандай қилиб ишбилармон бўлиш мумкин каби саволларга жавоб ахтарамиз, зеро биз ўзимиз ту-шунган баъзи нарсалардан, озгина бўлса-да, зуқмо муш-тарийини воқиф этса олсак, деган умидамиз.

Шундай қилиб, Самар-қанд вилоятининг Нарпай туманидаги «Машъал» ҳис-садорлик жамияти ва Ибн Сино номли чойхона фао-лияти билан танишиш ния-тида бордик. Икки корхона аҳли икки хил йўналишда, туманининг икки томонида меҳнат қилади. Бирлари Олтиғўлда, бирлари Ибн Сино номли дехқон ҳужали-лари уюшмаси ҳудудида. Ташкил топган вақти ҳам деярли бир хил, истиқлол-дан сўнг. Аввал, «Машъал» турғисида икки оғиз...

«Машъал» Алишер На-воий номли ширкатлар уюшмасининг Зарафшон дарёси оқиб ўтадиган то-монидаги Олтиғўли қишло-ғида жойлашган. Раҳбари

Искандар Саъдинов, ҳисоб-кредит техникумининг иқ-тисод ва муҳосиблик бўли-мида тахсил олган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ис-лохотлар жараёни ҳаёти-мизга янгиликлар, бардам-лик олиб келди. Биз илгари ўрганиб қолган бир хил-лик, қоллилаш йўқолиб, одамларда ҳам, раҳбар-ларда ҳам ўзгача кайфият. Бунга қандай изоҳлаш мум-кин? Мен ўз тажрибаларим асосида баҳоли — қудрат тушунтиришга ҳаракат қи-ламан, дейди И. Саъди-нов. — Мисол учун қолоқ, қуримсиз ҳолда ётган фер-мани жамоа билан бирга-ликда сотиб олдик. Қим-матбаҳо қозғоғ тарихида. Биз сотиб олган ферма ҳу-дудида иккита қишқи айвондан ўзига ҳеч вақо йўқ, ем-хашак жамғарил-маган бир вазият. Ўзим бошчи бўлиб, қўлга ўроқ олиб дағал хашак йиғдик, мавжуд ўт экилган майдон-лардаги талон-тарожликни че-клаб қишқача етарли е-м-хашак жамғардик. Ҳозир 95 та сигирни 8 нафар со-ғувчи бўлиб берганимиз, улар ем-хашагидан, суви-дан мунтазам хабар ола-ди, уларнинг тозаллигини таъминлайди. Бундан таш-қари биз ҳам қараб тур-маймиз, ёрдамлашамиз. Бунда Махиддин Жонуз-қов, Эшқувват Эшонқулов, Шариф Давронов каби ёшларнинг тинимсиз меҳ-нати ҳам муҳимасам. Нати-жада, сўтдаги ёғлилик да-ражаси ҳар бир литрдан 42-45 фоизга етди. Миқ-дор ҳам ошди. Бир ойда ҳар сигирдан Изиғул Раҳ-монова каби соғувчилар

2225 литрдан ошириб сут соғиб олишяпти. Албатта, ем-хашак масаласини ҳал қилмасдан туриб, бундай ютуққа эришиш қийин. Шу-нинг учун ҳам 270 бош молга 50 тонна дағал хашак, 60 тонна майдаланган беда, 715 тонна силос жамғариб, қиш мавсумидан чиқдик. Хо-зир салкам икки ўрада си-

вақтида маош билан таъминланяпти, бугдой, е-м-хашак, баъзан сут, сут маҳ-сулотлари, гушт бериб бо-риляпти. Мукофотлар жо-рий қилинган. Лекин жамоа аҳлининг қарори қатъий, келгусида қандайдир иш-лаб чиқариш корхонаси ку-риш. Ахир, бозор деган сўз ишлаб чиқариш ёки етиш-

ИККИ ДАРЁ ВА ИККИ ИШБИЛАРМОН

лос бор. Демак, келгуси йил учун бир ўраси тулиқ қола-ди. Гушт топшириш ҳам қу-лайди, режани 9 ойдаёқ уудаладик. Бу йил учун 10 гектар бугдой, 38 гектар роғ, 12 гектар арпа, 13 гек-тар рапс ва 63 гектар ўт экканмиз. Худо хоҳласа, до-вуқ сотиб олиб товуқчилик, ўрдақчилик каби янги пар-ранда бўлимига ҳам асос солимоқчимиз. Иккита ҳовуз қаздирдик, балик қўлайти-риш ҳам ниятимиз бор. Э-нди, асосий мақсад, одам-лар қанча куп меҳнат қилса манфаат топади, шунча бой яшайди деган туйғуни ҳис-садорларда уйғотдик. Улар шу мулк ўзимники, «мен шу ердан оиламни боқяпман, ўзим тўқман» деб қарай бош-лади. Ҳозир 10 та трактор, 2 та урим техникаси, 2 та ди-зел, 2 та машина ҳам олган-миз, ишлар сифати ва тез-корлиги, ишларда техникага боғлиқ. Оғир вазифалар осон қўринадди, енгиллик би-лан битади. Шунингдек, 38 нафар жамоа аҳли ҳамда 4 нафар ёлланма ишчилар ўз

тиришни қўлайтиришни ва хилма-хиллашни тақозо қи-лади. Ўз навбатида бозор учун ишлаб чиқаришни ёки етиштиришни қўлайтириш ниятида, албатта ишчи ҳиз-матчиларни ёки тадбиркор-ликни рағбатлантириш я-ши йўлга қўйилиши керак. Афсуски, ҳали муаммолар бор. Масалан, ёқилғи мате-риаллари, ем-қунжара, тех-никаларнинг эҳтиёт қис-млари бўйича тумандан ли-мит ажратилмаётди. Турги, биз ўзимиз ҳаракат қи-лашмиш лозим, аммо даст-лабки пайтда ёрдам ҳам ке-рак. Ахир, биз ўтган вақт мобайнида рентабеллики 40 фоизга етказдик ва жа-моа нимага қодир эканли-гини намойиш этдик, — дей-ди сўхбатдошимиз Искан-дар Саъдинов.

«Келинг, азиз меҳмонлар.

Дамлаб қўйдик паловни»

Ана энди, иккинчи та-дбиркор билан танишамиз, Ислом Ҳожиёв, Ибн Сино номли чойхона ва Сапоота

номли дехқон-фермер ҳужа-лининг раҳбари. Дастлаб, ишни ташландиқ ҳолга кел-ган қишлоқ амбулаторияси-нинг эски биносини сотиб олиб нонвойхона очилган бошлаган.

3 йил ичида фаолият ке-гайиб 12 киши меҳнат қи-ладиган куп тармоқли мажмуа вуҷудга келган. Буфет, сом-сахона, ошхона, чойхона, нон-войхона, дукон, вулканиза-ция, мой алмаштириш уста-хонаси, қассобхона қабилир шулар жумласидан.

Чойхонамиз кеча-ю-қун-дуз ишлайди. Бир кунда ка-мида мингга яқин миқоз кели-б кетади. Чойхона асли-да, агар ичкаридаги жойлар-ни ҳисобласак 180 кишига мўлжалланган. Бирок, ёзги шароитни ҳисобга олиб таш-қариға ҳам ўриндиқлар қўйилган. Хўш, нонни ўзи-миз тайёрлаймиз, чўзма ва қовурма лағмон, зигир ёғи-га пиширилган палов, шўр-ва, шашлик, қовирилган ба-лиқ, сомса каби миллий таомларни дастурхонга қў-ямиз. Чойхоначи Зокир Ме-лиёв, бош ошпаз Дилмурод Бердиев, нонвой Рустам Эр-ғашев каби ўз касбининг у-сталари таомларни маза-ли қилиб тайёрлаш ва намуна-ли хизмат кўрсатишни жуда ўрнига қўяди. Чунки, миқоз-лар қанчалик кўп ва узлуқсиз келиб туриши ана шу инсон-ларга боғлиқ. Биринчидан, агар миқозлар таомларни-нғ ҳўшқур, ширин таъмин-дан ва ошпазларнинг хўш му-маласидан, яна қайтиб ке-лишга иштиёқ сезилса, биз-нинг ютуғимиз. Биз ҳар қан-дай рақобат учун тайёргар-лик қўрамиз, жами ҳам аш-ённи сотиб олиб миллий таом-лар тайёрлаймиз. Ҳозир, ҳат-

то айрим рестороанлардаги-дан яхшироқ хизмат кўрса-тишга тайёрымиз. Бундан кей-ин, худо хоҳласа яна битта чойхона қўрамиз. Бозор очиб, дуконларни қўлайти-рамиз. Қўшимча сомсахона тармоқлари ташкил этамиз. Зарафшон дарёси бўйидан 2 гектар ер олиб иккинчи йилдириқ балиқ боқяпмиз, илк бор фақат балиқ ўзимиз етиштирган маҳсулот сифа-тида пиширилиб миқозлар-га тарқатилляпти. Бундан таш-қари 10 гектар ер олганмиз, у жойда 600 тул ёнғоқ, 400 тул ўрик, 300 тул олма қўчат-лар ва 140 минг дона терак қаламчалари экдик. Яқин бир-икки йил ичида дукон-ларда ана шу мевадарни ҳам сотувга қўямиз. Асосий мақ-садаҳилининг эҳтиёжини кон-диршида бошқа ҳар қандай миллий таомлар тайёрлов-чи ошхоналар билан рақо-бат қила оламиз ва шу йўлда ўзимизга керакли ҳам аш-ённи барчасини ўзимиз етиштириш, қолаверса кел-гусида ишлаб чиқариш кор-хонаси қуришидир, — дея су-зини тугатди И. Ҳожиёв.

Хурматли, муштарий, агар эътибор берган бўл-сангиз, иккала ишбилармон ҳам қандайдир, нимадир ишлаб чиқарувчи корхона бўнад қилмоқчи. Қўриллажак корхона ҳам албатта, улар-нинг соҳасига яқинроқ бўла-ди, қолаверса бошқа шу тур-даги корхона билан рақобат юзага келади. Сифат яхши-ланади, замон ва жаҳон та-лаблари ўрганилади. Хўп-лас, улар ҳозир етти улчаб бир кесилляпти... Қолгани-ни келажак кўрсатади.

Тулқин Ёрқулов «Туркистон» муҳбири.

Излаган имкон топади

- Баҳона топиш осон
- Буйруққа чек қўйилди
- Қарани ким тўлайди?

Яқинда Қарши шаҳрида жойлашган ҳужалик ҳисобла-ги қурилиш-таъмирлаш жамоа-сида бўлди. Корхона бошлиги Қозоқ Султонов ва у етакчили-к қилаётган жамоанинг ибратли ишлари ҳақида куп эшитган-дик. 1992 йилнинг охирида у ў-з-узини таъминловчи қурилиш уастаксидан ҳужалик ҳисоби-даги қурилиш-таъмирлаш жа-моасига айлантирилди.

Қозоқ Султоновни ўз хона-сида учратдим.

— Тугриси айтганда биз янги тизимга ўтиб ишлашга қи-яликки ёки тавakkал қилиб ўт-ганимиз йўқ, — дея гап бошлади бошлик. Мўҳими, айни пайтда шароит ва вазиятдан келиб чи-қиб, иш юритмоқ ниятда за-рур.

Инсон ҳамиша эртанги кун-га янги келажакда ишониб қол-ляпти. Илонмас экан, унда ҳаётнинг, яшашнинг ҳам қизи-

териал ва маҳсулотларни сотиш учун жамоамизнинг савдо дуко-нини қураямиз. Бетон қорни-малар, керамзит гипс, бетон плиталар ўзимиздан чиқади.

— Корхонамизда неча киши ишлайди?

— 98 киши. Шундан 64 ки-ши олдий ишчи. Қолганлари ҳайдовчи ва механиклардир.

Шуниси эътиборлики, жамоа-мизнинг асосини ёшлар ташкил этади.

Бултур жами 3 миллион сум-лика яқин иш бажариб, йил-ни 371 минг сумлик соф фойда билан сарҳисоб этдик. Бўйлиги ниятимиз ҳам чакки эмас. Жойларда 2 миллион сумлик иш бажариш, корхонамиз 3 мил-лион сумлик маҳсулот ишлаб чиқариши жами 5 миллион сум-лик қурилиш-таъмирлаш юмуш-ларини амалга ошириш режа-лаштирилган. Аҳолига бултур 100 минг сумлик хизмат кўрсат-

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

ги бўлмайди. Бу билан демок-чиданки, ҳозир сиз билан биз мураккаб ўтиш дарида яшай-миз. Хўш, нима қилиш керак?

Умидсизлиб, қўл қовуштириб утиравериш керакми? Асло! Бун-дай пайтда ишбилармонлиқни, тадбиркорлиқни ишга солиш дар-кор. Рўзгор тебратишининг, яшашнинг турли пок, ҳалол то-монларини қилириб топиш ло-зим. Шундангина ҳаёт тарзими қунидан кун ижобий томонга ў-згариб бораверади. Ҳозирги иқ-тисодий танглик ўтқинчи бир босқичдир. Шароитдан, вазият-дан келиб чиқиб, бунга турти тушунтириш, тақчиллиқни бартараф этиш йўллари ахти-риб топишмиз керак. Меҳнат-га лаёқатсиз, боқимандларни қўшларига қачиршиш шарт. Қў-чимиз беҳизга айтмаган «из-лаган имкон топади, изламаган баҳона» деб. Бунинг замирида катта маъно етибди. Қўшлаб иш-билармон, тадбиркор қишло-қаримизнинг яратувчилик фао-лиятлари тўғрисида ҳаётдаги та-нглик йилдан йилга, кундан кун-га чекимокда. Эртанги кунга, келажакка буланг ишонч. Бунга ҳаётнинг ўзи тақозо қилиди. Чун-ки, собиқ СССР даврида барча қурилиш материалларини Рос-сиядан ёки кушни республика-лардан олардик. Эндиликда рос-сиялик бирорларимиз мате-риаллар қийматида ниятда оли-шириб юбордик. Узингиз ўйла-нг, бир кубометр егочининг нар-хиси 4-5 минг сумга турти келаят-ти. Бу олдий егочининг нархи, лекин қурилиш учун биргина егочининг ўзи қифоя қилмайди. Бошқа материалларни ҳам асо-сан четдан олардик. Қисқа қи-либ айтганда таъминотдаги бу танқисликлардан келиб чиқиб, ўз иш услубимизни ўзгартириш-га қарор қилдик.

Ички имкониятдан келиб чи-қиб, жамоа билан келишган ҳол-да иш юртамиз. Хом ашёмиз ҳам, техникаларимиз ҳам етар-ли. Ҳужалик ҳисобига ўтгани-миздан сўнг, дарҳол цехлар со-нини қўлайтирдик. Ҳозир бизда 5 та цех ишляпти. Олдин 2 та эди. Яна бир нарсас, авваллари фақат қурилиш-монтаж иш-ларини амалга оширган бўлсак, ҳозирда корхонамиз бевосита қу-рилиш ва бошқа маҳсулотларни ўзи ишлаб чиқармоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига арзон ва сифатли қурилиш материал-лари етказиб берамоқда.

Ҳозир жамоамиз буюртмага асосан маъзур таъминотларга 3 савдо дукоини, битта нонвойхона биноларини рўстлаб берамоқда, — дейди Қозоқ ака. Шунингдек, биз ўзимиз ишлаб чиқарган ма-

ган бўлсак, бу йил бу натижани 200 минг сумга етказмоқчимиз. Бунга эришиш учун реал имко-ниятларимиз бор.

— Жамоада ижтимоий ҳи-молаш ҳақида тўхталсангиз?

— Аввало ишчиларимизга ва муҳандис-техник ҳодимларимизга тайёрланаётган ва бор ма-териалларни арзон нархда сота-миз. Фахрийларимизга эса бе-пул берамиз. Утган йил 50 минг сумлик қурилиш материаллари-ни ишчиларимизга сотдик. Бун-дан ташқари қамдаромали ва қўноқоли оилаларга ҳар ойлик маошга 100 сумдан яқин кор-хона ҳисобидан қўшиб берамиз. Шунингдек, кесакларни пенсияга чиқариш, ёшларни хар-бий хизматга қўзатиш тантанали равишда ўтмоқда.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Қўшпа корхона ва ташки-лотлар биздан ёрдам сўраб, кел-ганларидан шартнома тузиб иш бошлаганимиз, аммо лекин улар бажаришга иш учун ўз вақтида маблаг ўтказишмаётди. «Ўзбек-нефтьгазгеология» ишлаб чиқ-ариш бирлашмаси, шаҳардаги кийим-кечак ва ҳужалик мол-лари савдо ташкилотлари, Қарши шаҳридаги ошхона ва ресторо-лар трести, шаҳар қоммунал ҳу-жалити идоралари жамоамиздан қарзор. Нега, десангиз маблаг йўқ эмас. Бизга эса маблаг керак. Чунки, ана шу маблаг ҳисобидан қурилиш материал-лари ва техника сотиб оламиз. Ишчиларимизга маош берамиз. Шундук ҳам ишчиларимиз ўз-луқсиз маошларини олиб тури-шибди. Чунки, биз биргина юко-ридаги ташкилотларга куз ти-киб турганимиз йўқ. Қандай бўлмасин, таъминотда узлими бўлмаслигини таъминлаймиз. Мана яқинда жамоамиз билан маслаҳатлашиб, қанлолат пех-ни қуридик. Чунки, пехни юри-тиш учун бизда имконият бор. Эрта-инчи бу ерда турли ши-риниликлар тайёрлашни йўлга қўямиз. Шу йилнинг ўзига ма-зур цехда 1 миллион 200 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқ-аришни мўлжаллаганимиз. Бун-дан ташқари, яқин кунларда вер-мишель тайёрлаш пехнини ҳам очамиз.

Ҳа, Қарши шаҳридаги ма-зур корхона янги иш тизимига ўтиб, истиқлолнинг ойдни йу-лидан дадил оқимлар ташлаб борапти десак асло янглишма-ган бўламиз.

Ахбор

САМАРИДДИНОВ

«Туркистон» муҳбири.

«ЭЛТЕКС»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

. Қорақалпоғистондаги «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти — Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ўз қаддини ади рўстпаб олмоқда

1. БУ КҮРИНГАН БАЛАНД-БАЛАНД ТЕПАЛАР...

Биз тенги ҳамкишлоқ — мактабдош-ларимиз учун кечаги Эллиққалъа усми-ритимиздаги икки муҳим хотира билан боғлиқдик. Биринчиси — тарих уқит-чимизнинг бизни барханлар шўрқоқ қўллар оша Хоразм давлатининг қадим-ий пойтахти харобаси — Тупроққалъа, Қўшон империяси даврига оид Азқалъа, мўтул истисол дари ёлорлиги Кават-қалъага олиб боргани, бу снинг Миср, Рим, Афина тарихидан қилишмайдиган утимиш ҳақида тулқинланиб гапирган-лари. Иккинчиси — ёшларнинг «зарб-дор» бригадаси таркибиде Эллиққалъа-дан дағал-хашак жамғарганимиз. Бу ишни биз турта мактабни биттирганимизга қалар бир эмас, бир неча марта урдаган эдик. Ва ҳар гапни хашак мавсумида. Оқсакул соҳилдаги баланд бир қўш тепасига чо-дир тикка эдик. Хашак асосан асад ва саратон ойлариде йилгилар, бундай пайт-да кундуз қушлар куп саҳроси темирчи-нинг қўрасиде қизиб кетар эди. Шу боис биз кўпроқ тонг элди еришга бош-лаган пайтдага гайрат билан ишлаб, «яна-ни» нормани бажариб қўйиш пайида бў-лардик. Шундай кунлар тонгларнинг би-рида ҳамроҳ дўстим кетоннинг тигини чўнтағидеги қичиқ этов билан ўтиқилар экан, бетакор ва ёввойи гузалликка э-а атрофда боқиб, кўпчиликка маълум қу-шқик сатрини қўшган ҳолда:

— Бу қуриган баланд-баланд тепалар ҳам бир кўни эл бўлармикан? — деб қўйди.

— Эл бўлса керак. Ана, йул қуриб бошладилар-ку. Йул борган жўда эл ҳам боради-ла! — дейди яна бир йигит.

Ҳа, дўстимиз қайд қилганидек орадан кул ўтмай уша йўлга шағал тушадил, кейинроқ асфальтландил. Асрий чўлда ав-вал қадиргоҳ ҳужалиқлар, 1977 йилнинг қўламини эса ҳозирги Эллиқ-қалъа тумани ташкил топди. Чўлда гузал Бўстон шаҳри қад тикилди.

Биз яқин-яқинларга уша йўлдан ўта-тиб, ўзимиз чодр тиккан таниш тейага қўшимиз тушганида уйинроқ усмири-гимизни эсладик.

2. ИСТИҚОЛНИНГ ЯНА БИР КҮРТАГИ

Мамлакатимиз эришган мустақиллик жамиятимиз равақи учун кенг йўл очиб берди. Мустақиллигимизнинг тадрижий давомий сифатида иқтисодий эркинликка ўтмоқда. Бу асосан нимага қўри-моқда?

Биринчидан, собиқ Иттифокнинг иқ-тисодий мустамлакиси, хом ашё «ўсимта-си» деган аччиқ, ҳақоратли қисматдан халос бўлди.

Иккинчидан, мустақил мамлакатимиз ўзининг гафла, нефть, озиқ-овқат маҳ-сулотлари соҳасидаги қарамлигидан дадил қўтила бормоқда. Биргина мисол: 1993



йили Россия Федерациясидан 4 мил-лион тонна нефть маҳсулотлари харид қилган бўлсак, 1994 йили бу қўрасиқти 3 миллион тоннага тушди. Жорий йил-да эса четдан атиги 750 минг тонна нефть маҳсулотлари сотиб олиш режа-лаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси ўзимиздаги ноёб хом ашёдан хорижа тайёр, соғлом ра-қобатта барлоқ берадиган мол ҳамда маҳсулотлар чиқариш имкониятини яратмоқда. Дўстлик шаҳрида Герма-ниянинг «Мерседес» Бенц» Асақад Жа-нубий Корейнинг «ДЭУ» корпорация-лари билан ҳамкорликда қурилатган гигант корхоналар фикримизга аққол дадил бўла олади. Топкентдаги «Та-шинтерм», Нукусдаги «Катекс» корпо-ралари алақадан ўз харидорларини топти. Улар иқтисодий истиқлолнинг дастлабки кўртқаларидир.

Янги иқтисодий тизимимизнинг ана шундай умидбахш кўртқаларидан яна бири «Элтекс» туқимачилик мажмуи-дир.

«Элтекс»нинг таржimai ҳоли ҳақи-да ҳали куп эзилажак. Бизнингча эса

1992 йилнинг 27 декабрини «Элтекс»-нинг расмий тутилган кўни деб ҳисоб-лаган маъқул. Айнан уша кўни ҳисса-дорлик жамиятининг таъсис йиллиғи бўлиб ўтди. Унга Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа, Беруний, Тўртқўл, Амударе туманлари жамоа-лари, айрим ташкилотлари ҳамда фуқаро-лардан ҳиссадорлар вақиллари қатнаш-дилар. Туркиянинг «Язекс» корпо-рацис хорижий сармоядор сифатида майлдонга чиқди. Корпорация прези-денти жаноб Тургабей Жинер, вице-президенти Нафийбўй Юракли «Элтекс» учун зарур замонавий ускуналарни со-тиб олишга ақиндан қўмқашлажакла-рини изҳор қилдилар.

«Элтекс»ни қуриш билан боғлиқ бар-ча ишлар мўл кўнлардан бошлаб Қора-қалпоғистон Республикаси раҳбарияти-нинг диққат марказида бўлди. Сабоби у Республика иқтисодиёти равақида янги саҳифа очилишга шўбха йўқ эди. Иккинчидан, корхона ўзи қурилатган Эллиққалъа туманининг амалдаги иқ-тисодий даромадларидан 10 баравар куп фойда берар, қолаверса, у ерда ишсиз-

лиқни бартараф қилиш омилиларидан жуда ишончли манба эди.

Хуллас, «Элтекс»нинг вуҷудга келиши учун бир қатор имкониятлар, манбалар пай-до бўлди.

Энди хорижий сармоядорлар билан кели-шпган миқдордаги пахта толаси масаласи-ни ечиш керак эди: Бу олан масала эмас. Шундай вазиятда жонажон Ўзбекистонимиз-нинг жаҳондаги маъқисини кун сайин муста-ҳкамлаётган, тенг ва соғлом ҳамкорликка шай сармоядорларни мамлакатимизга қўшлаб қат-лиф этаётган, уларни қабул қиладиган, хо-рижга ҳар бир сафариде бу борада амалий ишлар уудалаётган хўрматли Президенти-миз «Элтекс» учун давлат манбаларидан 18 минг тонна пахта толаси ажратиб берди.

Бу куп сонли ҳиссадорлар, «Элтекс» корпо-рацияси, унинг туқимачилик машинасозли-ги бўйича ҳамкорлари — «Римолди», «Са-вио», «Марцол» ва бошқа фирмаларнинг биргаликдаги ҳаракати учун амалий иш лар-васини очиб берди.

Туқимачилик мажмуи қурилишга кири-шди...

III. ОСОН ЭРМАС БУНДАЙ БИНОНИ ҚҮРМОҚ...

— Ҳозир «Элтекс» корхонасига бориб, унинг замонавий биноларини, катта техно-логик талабларига мос ҳолда қурилан шо-ҳобчаларини қўрсангиз, ҳавасингиз келадил, — дейди Эллиққалъа тумани ҳокимлиги қури-лиш ҳамда меъморчилик бўлими етакчи му-тахассиси Бахтиёр Кенжаев. — Аммо бизга — бинони бунёд этиш учун биринчи қозикни қўққан мутахассис ва қурувчиларга бир ярим йилда бажариладиган ишлар кўнма-қўн аён. Бир оғиз сўз билан айтганда бўлсам, «Элте-кс»нинг қурилишида юзлаб азамат қурувчи-ларнинг, унлаб ўз ишига меҳр қўйган мута-хассисларнинг улуғли бор...

Бахтиёр ҳақ. «Элтекс»ни ҳаммамиз қур-дик, ўзбек, қарақалпоқ, рус, қирғиз ва бошқалар десак лўқ бўлмайди. Асосий иш-ни «Қорақалпоқдехқончиликқурилиш» бир-лашмаси бўлимлилари бажарган бўлса, бош-қа қўшимча ташкилотлар ҳам чинақа-мига тер туқдилар.

Бундай корхона қурилиши эса етарли даражадаги ишчи кучи, бинокорлик мате-риаллари, техника воситалари, технология ускуналарига эга, катта миқдордаги сар-моаларни ҳам талаб этади. Шунинг учун қўшма корхона Ўзбекистон ва Қорақал-поғистон Республикалари раҳбариятининг доимий эътиборида бўлди. Республика бош-вазирининг биринчи уринбосари И. Жура-беков туқимачилик мажмуи қурилиши билан бир неча бор танишди, амалий ёрдамлар берди. Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши Раиси уринбосари Жўдо-бой Суенов қурилишда асосий ишларни мувофиқлаштириб борди. Қурилишнинг «буф прораби» Эллиққалъа тумани ҳокими Амин Тожиёв булди, десак янгли

